
Элга меҳр-оқибат, саховат ва ҳиммат намунаси

Аввал хабар берганимиздек, Қува туманида жорий йилги ғалла хирмони савобли амалларга бой бўлмоқда.

Гектарлардан мўл ҳосил етиштирган туман фермерлари ташаббуси билан эҳтиёжманд оилаларга бепул дон, сомон тарқатилиб, такрорий экин экиш учун ерлар ажратиб берилди.

“Қурбон ҳайити” арафасида ана шундай хайрли ишлар туманнинг 2-сектор ҳудудида жойлашган Пандигон маҳалла фуқаролар йиғинидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига ғаллаган бўшаган майдонларни такрорий экин экиш учун ажратиб бериш, буғдой ва сомон пресси тарқатиш кўринишида амалга оширилди.

Маҳалла раислари ва сектор штаби ўзолари ушбу ҳиммат намуналарини ўз эгаларига етказилишида яқиндан кўмакчи бўлишди.

2023-06-22 18:19:35